

ISSN: 2181-4058

DOI Journal 10.56017/2181-4058

# JORAI

Journal of


## RESEARCH

and

## INNOVATIONS

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР | ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ

*Volume I, Issue 7*



IMFAKTOR  
PAGES

JULY | 2023

ISSN: 2181-4058  
DOI Journal 10.56017/2181-4058

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 7-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ  
ТОМ-I, НОМЕР-7

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS  
VOLUME-I, ISSUE-7

ТОШКЕНТ - 2023

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

№ 7 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4058-2023-7>

## Бош муҳаррир:

Салимов А. – архитектура фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Кадиров К. – филология фанлари номзоди, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Омонов Қ. – филология фанлари доктори, профессор  
Муҳибова У. – филология фанлари доктори, профессор  
Каримов Б. – филология фанлари доктори, профессор  
Рашидов Т. – санъатшунослик фанлари номзоди, доцент  
Мухамедова Ф. – санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори  
Тешабоев Ж. – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Эгамбердиев И. – техника фанлари доктори, профессор  
Ташманов Е. – техника фанлари доктори, профессор  
Салихова О. – техника фанлари номзоди, доценти  
Закиров Х. – қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор  
Гулмуродов Р. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Жумамуратов А. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Камолов Б. – география фанлари доктори, профессор  
Миракмалов М. – география фанлари номзоди, доцент  
Тожиева З. – география фанлари номзоди, доцент  
Юсупова М. – архитектура фанлари доктори, профессор  
Аскарров Ш. – архитектура фанлари доктори, профессор  
Назарова Д. – архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

*Қишлоқ хўжалиги фанлари*

**ИСКАНДАРОВ Зафар Самандарович**  
*Тошкент давлат аграр университети*  
*профессори*

**ФАТХУЛЛАЕВ Абдунаби**  
*Тошкент давлат аграр университети*  
*доценти*

**АКРАМОВ Сабиржан Илхамович**  
*Турон фанлар академияси*  
*профессори*  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8176624>

## ЭРТАСИ БУГУНДАН ФАРОВОН ДЕХҚОН, РИСК-РЎЗИМИЗ, БАРОКОТ КОНИ БЎЛГАН ДЕХҚОН

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада кўп йиллик фойдаланиладиган хайдов ерларини микроструктурасини ошириш, ҳамда унумдорлигини кўпайтириш хақида тадқиқот ишлари олиб борилган. Деҳқон хўжаликларини бўш турган ер участкаларида мобил, кам харажатли муқобил энергия ва қайта тикланувчи иномларидан фойдаланиб инновацион усулларни қўллаб кичик энгил типдаги иссиқхоналар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Деҳқон хўжаликлари ва томорқа хонадон ерларида яратилган инновацион ёндошувлар орқали, резворлар, сабзавотлар етказиб бериш учун ихчам мобил иссиқхоналар мажмуаси яратилган.

**Калит сўзлар:** баластр, деҳқон хўжаликлари, муқобил энергия, табиий иссиқхона, резавор, мева-сабзавот, пушта, механик ғалтак, йўналтириш планкалари, фермер хўжаликлари.

**ИСКАНДАРОВ Зафар Самандарович**  
*профессор Тошкентского государственного*  
*аграрного университета*

**ФАТХУЛЛАЕВ Абдунаби**  
*доцент Тошкентского государственного*  
*аграрного университета*

**АКРАМОВ Сабиржан Илхамович**  
*профессор Академии наук Туран*

## ВЫСОКИЙ УРОЖАЙ КРЕСТЬЯНИНА, ЗАЛОГ ЕГО БЛОПОЛУЧИЯ, В ПРОЦВЕТАНИИ И СЧАСТЛИВОЙ ЖИЗНИ В ЗАВТРАШНЕМ ДНЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье проведены научно-исследовательские работы по улучшению микроструктуры и повышению продуктивности пахотных земель, которые используются на протяжении многих лет. Желательно создание небольших теплиц легкого типа инновационными методами с использованием мобильных, недорогих альтернативных источников энергии и возобновляемых источников агрохолдингов на свободных участках земли. Создан компактный мобильный тепличный комплекс для снабжения овощами и фруктами за счет инновационных подходов, созданных на фермах и приусадебных участках.

**Ключевые слова:** балласт, дехканские хозяйства, альтернативная энергетика, естественная теплица, ягодные, плодоовощные, грядки, механический барабан, направляющие пластины, фермерские хозяйства.

**ISKANDAROV Zafar Samandarovich**

Professor of Tashkent State Agrarian University

**FATKHULLAEV Abdunabi**

Associate Professor, Tashkent State Agrarian University

**AKRAMOV Sabirjan Ithamovich**

Professor of Turan Academy of Sciences

## A HIGH HARVEST OF THE PEASANT, A GUARANTEE OF HIS PROSPERITY, IN PROSPERITY AND A HAPPY LIFE IN TOMORROW

### ANNOTATION

In this article, research work was carried out to improve the microstructure and increase the productivity of arable land, which have been used for many years. It is desirable to create small light-type greenhouses using innovative methods using mobile, inexpensive alternative energy sources and renewable sources of agricultural holdings on free land. A compact mobile greenhouse complex has been created for the supply of vegetables and fruits through innovative approaches created on farms and household plots.

**Key words:** ballast, dekhkan farms, alternative energy, natural greenhouse, berry, fruit and vegetable, beds, mechanical drum, guide plates, farms.

*Дехқончилик инсониятга Одам Атодан мерос, пойдевори мустаҳкам соҳа.*

Бугунги кунда фидокорона меҳнати билан, ердан нозу-неъмат ундириб ҳаётимизга кут-барака, файзу қувонч олиб қираётган миришкор дехқон, фермерларимиз аҳолимизни тоза соф, экологик маҳсулотлар билан таъминлаётганлиги қувончли ҳол.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг турли соҳалар каби мева-сабзавотчилик, резаворчилик, чорвачилик соҳаларига катта эътибор берилмоқда, энгил типдаги дала уйлари қуриб, дала бошида иссиқ овқатлар ташкил қилинмоқда.

Давр талабидан келиб чиқиб, ҳар бир истемолчини соф тоза экологик тоза мева сабзавот ва резавор экин маҳсулотлари билан таъминлаш дунё бўйича асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Ушбу муаммоларни ўз вақтида олдини олиш учун Республикамизда юрт бошимиз томонидан қабул қилинган қатор қарорлари бунга имконият яратиб, ери бор томорқа эгаларини, ҳар бир қарич ерларидан унумли фойдаланишга ундалмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг 2012йил 26 февралдаги Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60 сон фармони ижросини таъминлаш борасидаги вазифалар ҳар биримизни яқдиллик билан меҳнат қилишга ундади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари барқарор ривожланиш мақсадларини белгилаб берди. Ҳар бир томорқа эгалари ҳам ўз имконияти унумдор ҳар қарич экин майлонидан рационал фойдаланишни тақазо қилмоқда.

Ҳар бир томорқа эгаси ўзининг 0.5:1.0:2.0 сотих ерларидан оламшумул, уқйда ўтириб, ишдан бўш вақтларида меҳнат қилиб, хонадонига қўшимча даромад келтириш мумкин. Бунинг учун, озроқ меҳнат, тадбиркорлик ҳамда қунт бўлса кифоя. Республикада дехқончилик, боғдорчилик, фермер-деҳқончилик ҳаракатлари кенг қулоч ёзиб, ер ҳақиқий эгасини топаётгани бугунги кунда, бобо дехқонларнинг бой амалий тажрибалари кенг қуллаб-қуватланмоқда [1].

Қадимги зироатчилик усуллари жуда содда арзон, энг муҳими инсон учун зарарсиз, экологик тоза, кимёвий воситалардан холи бўлган усуллардан иборат бўлган. Бу ҳақда кўпгина битикларда ёзилган, хаттоки сабзавот ва резаворлар экинлар тасвири туширилган ёдгорликлар ҳам мавжуд.

Юнон эҳромларининг бирида Олтиндан ишланган туруп, қумушдан ишланган лавлаги, қалайдан ишланган шолғом тасвирланган.

Қадимдан Мисрда қайнатилган қарам тансиқ таом ҳисобланиб, уни зиёфат сўнгида дастурхонга тортишган. Бундай экинлар орасида тарвуз-қовун, ош-қовоқ, бодринг алоҳида ўрин тутган. Пиёз ва саримсоқ пиёздан қўплаб касалликларга қарши ажойиб малҳам сифатида фойдаланилган.

Мисрда, Греция ва Римда пиёз ва саримсоқ пиёз эркаклар иқтидорини кучайтириб, уларда жасорат ҳиссини уйғотади деб ҳисоблашган. Ҳарбийларни куч-қувватини ошириш учун уларнинг овқатига пиёз ва саримсоқ пиёзни аямай солишган. Римликлар пиёзни ўткир хиди ёвуз кучларни (инфекция) ҳайдади деб ишонишган. Замонавий тиббиётда ҳам бу исботланган.

Римлик табиб ва табиатшунос олим Гален, соч тўқилмаслиги учун бошга қирилган пиёз суртишни, тиш оғриғини босиш учун оғизни саримсоқ пиёзни қайнатиб, тиндирилган омухта билан оғизни яни милкларни чайиш ёки унинг бир бўлагини оғриётган тиш милкига қўйиб туришни тавсия қилган. Юқоридаги асосий масала инсон омили, ҳаётга ишонч ортса, меҳнатга интилиш кучаяди. Шу борада истеъмолдаги шифобахш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турини ва сифатини ошириш чораларини кўришимиз керак. Турли мулоҳазаларни ҳисобга олиб, томорқа дехқон хўжаликларида бўш турган ер учаскаларида мобил кам ҳаражатли муқобил табиат иномларидан фойдаланиб, инновацион усулларни қўллаган ҳолда, кичик иссиқхоналар, кўчатхоналар яратилмоқда. Дехқон хўжалик ерлари бошида дала уйлари ташкил қилиш, ҳозирги кунда давр талабидир.

Юртбошимизнинг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, томорқа хонадонлари ва дехқон уйлари ёнида кам ҳаражатли, энгил типдаги кичик инновацион ёндашувларга асосланган резавор сабзавот экинлари экишга мос табиий, муқобил энергиядан фойдаланадиган иссиқхоналар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ [2].

Дехқон уйлари, бу ерда ишлаётган ишчи, механизаторлар, дехқонларга йил давомида витаминга бой, тушлик учун иссиқ овқатлар тайёрлашда қўл келади. Дала шароитида, ҳар қуни ҳам витаминга бой овқатларга ишлатиладиган маҳсулотларни, дала бошидаги ошхонага вақтида етказиб беришни имкони йўқ. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, тавсия сифатида, дала уйлари ёнида сепиб ундириб олиш учун резавор ва сабзавот маҳсулотларининг уруғ сарфини, тавсия сифатида маълумот беришни лозим деб топдик.

Сабзавот, резавор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳар гектар ҳисобида уруғларининг сарфи ва уларнинг экиш зичлиги ҳақидаги маълумотини тақдим этамиз.

Қуйидаги (1-жадвал)да кўрсатилган малумотлар бизлар хисоблаган уруғ сарф-харажатларини хар бир сотих ерга бўлинса экин майдони сарфи чиқади. Бунда уруғниг 1 га сарфини бўламиз 100 квадрат метрга, шунда 1 сотих ерни сарфи чиқади.

Экологик тоза махсулот етиштириш ишларига қанчалик тезроқ этибор бериб махсулотларни кўпайтирсак, органик ўғитлардан фойдалансак, маълумки 1 гектар ердаги кишлоқ хўжалик экинлари ўртача 35-40 тонна чангни ютиб, филтирлаб, 3 тонна кислород чиқариб, 5 тоннагача карбонат-ангидрид газини ютади [3].

**Сабзавот, резавор уруғларининг сарфи ва уларни экиш зичлиги маълумоти:**

1-Жадвал

№	Экин тури	1грамдаги уруғ сони	Экиш схемаси	1га экин зичлиги	1га уруғ миқдори
		Дона	См	Дона	кг
1	Редиска	120	5-12,1.5-2.5	240000	21
2	Селдерей	2200	40-50,25-30	85000	6
3	Петрушка	1000	30-35,2-3	450000	2.5
4	Смолок	800	25-30,2-4	375000	2.0
5	Райхон(ош)	90-100	10-15,3-5	25000-30000	8
6	Укроп	900	25+20,2-5	475000	3
7	Кўк-пиёз	200	70-70,5-7	700000	5
8	Қизил сабзи	950	70-70,5-7	900000	2.5
9	Бодринг	45	120-80,4.5-5	25000	5.5
10	Карам	300	70-70,30-40	40000	4
11	Баклажон	200-250	70-140	20000	4
12	Ош лавлаги	65	70-70,6-7	460000-500000	9
13	Памидор	300-330	70+70,50-50	600000-800000	6

Бир инсонга бир кунда 25кг тоза кислород керак бўлади. Шу мисоллардан келиб чиқиб, қанчалик табиатни кўк-майса ўсимликлар билан кўпайтирсак ва кимёвий моддаларни кам ишлатсак, кислород миқдори ортади, инсонларнинг соғлиги тикланиб шифокорга мурожати камаяди.

Юқоридаги мулохазаларни инобатга олиб, имкон даражасида хар бир дехқон уйлари ёнида, дала бошида, дала четларида кўшимча мевали дарахтлар билан бирга кўкат экинларини эксалар ҳам даромад, ҳам хаётига барокат киради.

Йил давомида далада хизмат қилаётган ишчи ва дехқонларни витаминга бой соф кислородга бой шароитда хар хўжаликда ўзининг имкониятидан келиб чиқиб иссиқхоналар ўлчамларини ўзлариша мосини танлаб қуриш мақсадша мувофиқ деб ўйлаймиз.

Бахорда кўкатлардан: карам, помидор, болғар қалампири, кўкатлардан: Укроп, петрушка, редиска, шовул, смалок, қизил лавлаги, сельдер, кўк пиёз, саримсоқ пиёз, в.х.лар экиши мақсадга мувофиқ бўлади. Хар бир қарич ердан унумли фойдаланиш талаблари бажарилиб, ҳам соғлиқка ҳам табиатга фойда бўлади [4].


Мулохазаларни хисобга олиб томорқа, дехқон хўжаликларини бўш турган ер участкаларида мобил, кам харажатли муқобил энергия ва қайта тикланувчи иномларидан фойдаланиб инновацион усулларни қўллаб кичик енгил типдаги иссиқхоналар яратилди.

Ушбу иссиқхоналарни барпо этиш бўйича тадқиқот ишлари, Турон Фанлар Академияси ва Тошкент давлат аграр университети олимлари проф. З.С.Искандаров, С.И.Ақромов, А.Фатхуллаев, А.С.Ақромов ва У.З.Шокирхўжаевалар томонидан борилган.

Енгил типдаги иссиқхоналар умумий тузилиш структураси ва схемаси кўрсатилмоқда, бу иссиқхоналарни мавжудларидан авзалилиги қуйидагилардан иборат:

1. Сунний истиш тизими йўқлиги
2. Кам харажатлилиги
3. Фойдаланишни соддалиги
4. Плёнка ўз-ўзини баластирлик мосланувчанлиги
5. Плёнка устунларда шкастланмаслиги
6. Кўчатхона офтоб нури ва био-гомосдан унумли фойдаланиши ва х/к.
7. Тарангловчи ғалтакларни кўп функциялилиги
8. Кун давомида табиий муқобил куёш энергиясидан унумли фойдаланиши ва х/к.
9. Шамол ва чангдан тозаланиш имкониятлилиги.

Дехкон хўжаликлари ва томорқа хонадон ерларида яратилган енгил инновацион ёндошувлар билан бойитилган резворлар, сабзавотлар етказиб бериш учун мобил иссиқхоналар мажмумаси схемаси кўрсатилган. (1-расм)




**1-Расм. Мобил кам харажатли иссиқхонанинг кинематик схемаси.**

Мобил кам харажатли иссиқхоналарнинг ичидаги пушталарни схематик кесимидаги тузилиши иссиқхоналарни қуришда пушта олишда алоҳида кўп йиллик тажрибаларига таянган ҳолда қуйидагича яратилди. Шу усулда усулда яратилган схема аъло натижа бермоқда.

Енгил типдаги иссиқхоналарни пуштасини кесимдаги тузилиши қуйидагича: Иссиқхоналарни қуришда асосий эътиборни шамол йўналишига эътибор бериш керак. Совуқ шамол эсадиган томонлардан холи қилишга ҳаракат қилиш муҳимдир. Сабаби шу йўналишдаги шамоллар совуқ хаводир.

Иссиқхонанинг шамол томони бирорта табиий қурилма (ўрмон, тоғ ёки бошқа иншоотлар билан тўсилган бўлса иссиқхонани нисбатан табиий иссиқни термос сифатида сақлайди. Хоналардаги пушта ариқларини олишни ернинг ҳолатига қараб ва ер тагидаги сизот сувларни чуқур ёки саёзлигига қараб олиш керак. (2-Расм)



**2-Расм. Пуштанинг кинематик тузилиш схемаси.**

Бизлар иссиқхона имкониятини яни моддий, маънавий хисоб-китобларини 1 сотих ер майдонида хисобласак, баҳорги мавсумда 2 ой мобойнида, ўлчами эни 5,2метр узунлиги 19 метр, яъни 5,2x19 метрга тенг 98,8 м.кв. ёки 100м.кв. эни 5,2м.га 4 қатор пушта тушади.

Бу 4 қатор узинлиги 20 метр пуштага №1 табицада кўрсатилган уруғ сарфи сепилади. Тажрибадан 2022 йил баҳорида жами 200 000 минг туп карам, помидор, болғари уруғи сепилиб, аҳолига тарқатилди. Ўртача кўчатлар 150-300 сўмдан сотилди. Дастлабки 2 ой ичида 8 000 000 сўм даромад қилинди [5].

Эрта баҳорда илик узилди даврда, дехқонга соф маблағ тушади, кундалик харажатларни тўлиқ қоплайди ва тадбиркорликка ва камбағалликка дучор оилаларни кризисдан чиқиб кетишга ёрдам беради.

Дехқончиликдаги қизиқарли маълумотлар:

Қадимда сакслар ва бошқа халқларда лавлаги ғалати вазифани бажарар экан. Никохга розилик билдириш ёки куёвга жавоб бериш келин учун жуда мушкул ва қалтис иш хисобланган, мусурмончилик одатида озаки айтиш уят хисобланган экан. Агар куёв лавлагидан тайёрланган шарбат билан сийланса, демак келин рози бўлганлигини билдирар экан.

Грецияда Олимпия ўйинлари ғолиблари учун барра сельдерейдан чамбараклар тўқишган, петрушка барги эса ғам ва кулфат тимсоли бўлган. Укроп энг яхши манзарали ўсимлик хисобланиб, у хатто атиргул билан рақобатлашган.

Республикамизда юрт бошимизни доно сиёсатлари туфайли бугунги дехқонлар, фермер бўлди дастурхони ноз-неъматга тўлди, тўкинлик, бахт иқбол хукм сурмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил тинчлик сиёсати ва қишлоқ хўжалигига этибор берилиши натижасида, дехқонлар томонидан юқори хосилдорликка эришилмоқда. Бироқ, шу билан бирга қишлоқ хўжалигида хали қилинадиган ишлар талайгина.

**ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES**

1. Станков Н.З. Корневая система полиевых культур. Москва.1964.105-112 С.
2. Рыжов С.Н., Мухамеджанов М.В. Агрономические значение структуры и сложение почвы. Гидромет. издат. 1968. Л. 53-60 С.
3. Қашқаров А.К. О природе плужной подошвы почвы. Изд-во Хлопководство № 11. 1969. 38-43 С.
4. Мухамеджанов М. В. Система земледелия по коренному повышению плодородия орошаемых почв и урожайности сельскохозяйственных культур, Изд-во Хлопководство №8, 1974. 66-72 С.
5. Қашқаров А.К. Глубокое рыхление как средство борьбы с плужной подошвой. Изд-во Хлопководство №2, 1964, 16-22 С.

ISSN: 2181-4058  
DOI Journal 10.56017/2181-4058

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 7-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ  
ТОМ-I, НОМЕР-7

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS  
VOLUME-I, ISSUE-7

«Тадқиқот ва инновациялар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)